

**“Гидропроект” АЖнинг акциядорларнинг навбатдаги  
йиллик умумий йигилиши ўтказилиши бўйича  
Хабарнома**

“GIDROPROEKT” АЖ кузатув кенгашининг 2024 йил 10 октябрдаги мажлис қарорига асосан 2024 йил 8 ноябрь куни соат 11:00 да Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йигилиши ўтказилиши режалаштирилган.

**Кун тартибиага қуидаги масалалар киритилган:**

1. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йигилишини ўтказиш регламентини ва саноқ комиссиясини шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Жамият ижроия органининг Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича молиявий - хўжалик фаолияти ва бизнес - режа кўрсаткичлари бажарилиши бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.
3. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича (йиллик) ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятда 2023 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хулосасини кўриб чиқиш.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиши.
6. Жамиятнинг 2023 йил молиявий - хўжалик фаолияти якунлари бўйича ташқи аудиторлик текшируви хулосасини эшитиши.
7. Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича соф фойда тақсимоти, дивидендларни тўлаш шакли, миқдори ва тартибини тасдиқлаш.
8. Жамият директори билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш.
9. Жамиятнинг 2024 йил учун бизнес - режасини тасдиқлаш.
10. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича ҳисобланган ҳамда эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.
11. Аффилланган шахслар билан келгусида Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йигилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш.
12. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича Миллий бухгалтирия ҳисоби стандартлари (МБҲС) ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (ХМҲС) асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларини ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори белгилаш ҳамда у билан шартнома тузиш.
13. Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави ва ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш.
14. Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – навбатдаги умумий йигилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2024 йил 14 октябрь ҳолатига ва акциядорлар умумий йигилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2024 йил 4 ноябрь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи хужжат–паспорт, акциядорларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигага белгиланган тартибда расмийлаштирилган (юридик шахслар учун - мазкур юридик шахс томонидан берилган) ишончнома билан келишлари шарт.

Йигилиш Ташкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 20 уйда жойлашган Жамиятнинг маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йигилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади.